

**КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВИДА ИНСОН ОМИЛИНИ  
КАМАЙТИРИШДА СМАРТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

*Мухиддин Абдуллаевич Курбонов*

*Солиқ қўмитаси хузуридаги Фискал институти*

*“Солиқлар ва солиққа тортиниши” кафедарси доценти*

*Эргашев Уйгун Жабборович*

*Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси*

*давлат солиқ катта инспектори*

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ назоратини ташкил қилишнинг назарий масалалари ёритилган. Шунингдек Солиқ кодексига асосан солиқ назоратининг шакллари ва солиқ текширувининг турлари келтирилган. Солиқ мониторинги, сайёр ва камерал текширувларининг моҳияти очиб берилилган.

**Калит сўзлар:** молиявий назорат, солиқ назорати, солиқ мониторинги, сайёр текширув, камерал текширув, солиқ аудити.

**Annotation:** The article deals with theoretical issues of tax control in the Republic of Uzbekistan. Also, according to the Tax Code, there are forms of tax control and types of tax audit. The essence of tax monitoring, mobile and in-house inspections is revealed.

**Keywords:** financial control, tax control, tax monitoring, field audits, cameral inspection, tax audit.

### **Кириш**

Солиқ органлари томонидан олиб бориладиган солиқ назорати молиқвий назоратнинг таркибий қисмидир. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг (2019) 171-моддасида қуйидагилар: “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ваколатли органлар давлат молиявий назорат органлариидир. Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари қисми бўйича давлат молиявий назорати берилилган ваколатлар доирасида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади”- молиявий назорат органлари деб белгилаб қўйилган. Бундан кўриниб турибдики, давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган солиқ назорати – молиявий назоратнинг таркибий қисми деган хulosса қилишимиз мумкин. Янги таҳирдаги Солиқ кодексида, солиқ назорати ўтказишнинг янги тартиби жорий этилмокда, у солиқ органларига камерал, жойига чиқсан ҳолда текшириш ва

солиқ аудитини ваколатли орган билан келишилмасдан таҳликатахлил дастури асосида амалга ошириш ҳуқуқини беради.

### **Адабиётлар шархи.**

Иқтисодий адабиётларда “солиқ назорати” тушунчаси турлича талқин қилинмоқда. Иқтисодчилар бу тушунчанинг тор ва кенг маънодаги моҳиятини очиб беришмоқда. Хусусан, Крохиннинг (2011) фикрича, солиқ назорати кенг маънода – бу давлат томонидан мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадидаги молиявий сиёсати ва фискалъ манфатига қаратилган чора – тадбирлар мажмуасидир. Тор маънода – бу солиқ ва йиғимларнинг қонунийлиги ва мақсадга йўналтирилганлигини ваколатли органлар томонидан олиб бориладиган давлат назоратидир. Худди шундай қарашни Ильин (2007) ҳам билдирган Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг (2019) 82-моддасида солиқ назорати куйидагича эътироф этилган: “Ушбу Кодекс билан белгиланган ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назорати деб эътироф этилади”.

Гончаренконинг (2012) қайд этишича, “солиқ муносабати қатнашчиларининг ўзора боғлиқлигининг замонавий даражаси солиқ маъмурчилигини ташкил қиласидан назоратнинг икки элементидан иборат, шу жумладан, солиқ тўловчиларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишининг назорати; солиқ органларининг қонунлар ижросини таъминлашининг назорати.” Ушбу фикрларни Савченко (2013) ҳам ўзининг илмий ишларида билвосита мақуллаган.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимиз солиқ назоратини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш мақсадида олиб борилган бўлиб, уни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гурухлаш каби усуслардан фойдаланилиб хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

### **Таҳлил ва натижалар мухокамаси.**

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 136-моддасида солиқ назоратининг қуйидаги шаклларда солиқ текширувлари ва солиқ мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган (1-расм). Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, ўзига нисбатан солиқ мониторинги ўтказилаётган юридик шахс томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги) солиқ мониторинги предметидир. Солиқ мониторинги юридик шахс қайси солиқлар ва йиғимларга нисбатан солиқ тўловчи ёки солиқ агенти бўлса, барча шундай солиқлар ва йиғимларни қамраб олади. Солиқ тўловчилар учун солиқ мониторинги ихтиёрийдир. Солиқ мониторинги солиқ мониторингини ўтказиш

тўғрисидаги қарор асосида солик органи томонидан амалга оширилади. Юридик шахс, агар унинг олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида ўн миллиард 73 [www.economyjournal.uz](http://www.economyjournal.uz) сўмни ташкил этган бўлса, солик мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза билан солик органига мурожаат қилишга ҳақли.

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсишига, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда солиқлар асосий таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, амалга оширилаётган ишларда энг аввало самарали солик тизимини, тадбиркорларга солик юкининг teng тақсимланишини ҳамда солик тўловчилар сонининг оширилишини ва солиқларни яширувчи тадбиркорларни ўз вақтида аниқлаб, уларга солиқларни ҳисоблашини таъминлаш лозим.<sup>1</sup>

Шунингдек солик назоратининг эскирган усуллари ва принциплари ҳамда солиқقا ойид норматив хужжатларни реал воқеликларга асосланмаганли давлат солик хизмати ишини ташкил этиш уларнинг вазифаларини самарали ҳал этишга, жумладан, солик базасини кенгайтиришга ва солик йиғилувчанлигини оширишга йўл бермайди. Хусусан: Солик маъмуриятчилигида коррупциявий муҳитни шакллантираётган, давлат солик хизмати органларининг деярли барча бўғинларида ходимлар коррупциялашувига олиб келаётган сезиларли шарт-шароитларнинг мавжудлиги;<sup>2</sup>

Солик маъмуриятчилигини тўлиқ амалга ошириш, солик солинадиган қўшимча базани аниқлаш, иқтисодиётда хуфиёна айланмалар даражасини қисқартиришга имкон бермайдиган ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланмаслик;<sup>3</sup>

Камерал назоратни, жумладан солик имтиёzlари ва преференцияларидан мақсадли фойдаланилиши устидан камерал назоратни амалга ошириш учун ташки манбаларни йиғишини таъминлайдиган таъсирчан дастурий маҳсулотларнинг мавжуд эмаслиги;<sup>4</sup>

Солик текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашини таъминлайдиган замонавий, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чораларини янада кучайтириш талаб қилмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солик хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон



**1-расм. Хисобот кўрсатгичлари асосида даромад солиги фарқини аниқлаш<sup>5</sup>**

Рақамлаштириш – савдо-сотик транзакциялари бўйича маълумотларни оператив таҳлил қилиш имкониятини ошириш орқали солик қонунчилигига риоя қилиниш даражасини яхшилашга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнь кунги ПФ-5468-сонли<sup>6</sup> фармонида давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ахборот алмасишиб механизимларининг, электрон солик маъмуриятчилиги хамда солик назоратини амалга ошириш шакл ва услубларининг такомиллашмаганлиги, ўтказиладиган назорат тадбирларининг сифатига салбий таъсир кўсатувчи ва инсофли тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига аралашибларни камайтиришга тўсқинлик қилувчи назорат фаолиятини амалга оширишда хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва бошқаришнинг аниқ тизими йўқлиги тақидлаб ўтилиб, ушбу фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси солик Кодексинининг янги таҳрирдаги лойхасини ишлаб чиқиши мувофиқлаштириш хамда самарасиз солик ва божхона имтиёзлари ва преференсияларни бекор қилиш бўйича ишчи комиссиянинг таркиби тасдиқланди хамда 2019 йил 30 декабрь кунги ЎРҚ-599-сонили қарорга мувофиқ янги таҳриридаги солик Кодекси тасдиқланди.<sup>7</sup>


<sup>5</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнь кунги ПФ-5468-сонли фармони

<sup>7</sup> 2019 йил 30 декабрь кунги ЎРҚ-599-сонили қарор



## 1.1. Қўшилган қиймат солиги ва фойда солиги кўрсаткичларини солиштириш



**2-расм. Қўшилган қиймат солиги ва фойда солиги кўрсаткичларини солиштириш<sup>8</sup>**

Рақамли технологиялардан фойдаланиш дунё бўйлаб тез ва кенг тарқалмоқда. 2015 йилги маълумотларга кўра, сўнгги 10 йилликда дунё бўйича интернет фойдаланувчилари 3 баробарга кўпайиб 3.2 млрд.ни ташкил этган. Аксарият ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги фуқаролар мобил технологиялардан, улар орқали ўқув юрти, электр-энергия, ичимлик суви каби тизимларнинг электрон хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Бу шуни англатадики, хозирги кунда фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатлар ўртасида ўзаро электрон боғланиш имкониятига эга тармоқ мавжуд ва бу маълумотларни умумийлаштириш ва ўзаро фойдаланиш имкониятини яратади. Сўнгги 20 йилликда электрон маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, кузатиш ва тарқатиш бўйича сезиларли ривожланиш кузатилди. Ҳукуматлар йилдан-йилга электронлашиб бормоқда. Деярли, барча давлат идоралари ўзларининг расмий веб-сайт ва автоматлаштирилган тизимларига эга. Рақамлаштириш солик органларига электрон ҳисботлар тўлдиришни солик тўловчиларга таклиф этиш, электрон хизматлар кўрсатиш ва солик тўловчиларнинг божхона ва хўжалик фаолияти юзасидан назоратни олиб бориши имкониятини тақдим этади. Бу эса ўз навбатида солик қонунчилигига риоя этиш даражасини, солик тушумларини реал вақтда мониторинг қилиш, солик аудитларини ўтказиш ва солик рискларини аниqlашда кенг ва катта ҳажмдаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Шу билан

<sup>8</sup> Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2719>

бир қаторда, электрон маълумотларнинг транзакцияларини КҶС маълумотлари билан боғлаш имкониятини ҳам тақдим этади ва маълумотларнинг ўзаро мувофиқлигини кузатиш имкониятини яратади. Ривожланган давлатлар аллақачон рақамлаштириш жараёнида бир қатор мувоффақиятларга эришганлар.

## **ХУЛОСАЛАР**

1. Смарт технологиялар маълумотлар базасини тўлиқ, мукаммал ва ўз вақтида шакллантирилишини таъминлаб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215/3-моддасига тегишли ўзгартиришлар китирилгани холда маълумотларни тақдим этадиган корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини солиқ агентлари масъулиятига tengлаштириш ҳамда жавобгарлигини ошириш, хато тақдим қилган, маълумотларни тўлиқ ёки умуман тақдим этмаган ташкилотларга нисбатан **кескин** чоралар кўрадиган механизмни назорат қилишни кучайтириш ва чора кўриш ваколатини **юқори турувчи** давлат органларига ўтказиш лозим.

2. АВ-1321 сонли низомига ўзгартириш киритган холда, хўжалик юритувчи субъектларни йирик микдордаги банк айланмаларни айланма амалга оширилган бир вақтнинг ўзида, айнан шу субъект томонидан йирик микдордаги айланма амалга оширилгандан сўнг маълум муддат учун барча айланмаларини ва контрагент ташкилотнинг ҳам ўтказиб берилган пулни нима мақсадларга сарфланиши бўйича айланмаларни, микдоридан қатъй назар, инсон омилисиз онлайн равища Тижорат банкларнинг бош идоралари орқали эмас, Марказий банк томонидан Давлат солиқ қўмитасининг ташқи манба маълумотлар базасига тақдим этиш лозим.

3. Электор энергиясини мониторинг қилиш ва хисобга олишнинг автоматлаштирилган (ASKUE) тизимини Давлат солиқ қўмитасига интеграция қилиш.

4. Бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қиладиган ЯЁҚШлар ва АГТШларга онлайн хисоблагичларни жорий этилиш орқали, уларни Давлат солиқ қўмитасини ташқи манба маълумотлар базасига интеграция қилиш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЖИНОИЙ ФАОЛИЯТИДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *World Scientific Research Journal*, 16(1), 213–221. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2720>

2. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
3. Абдуллаевич ҚМ. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
4. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 204–212. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/2719>
5. Курбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 16(1), 170–177. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/2715>
6. Fayziev, F. (2023). THE ROLE OF LOCAL BUDGETS IN TAX POLICY. Modern Science and Research, 2(5), 1315–1319. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/20713>
7. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev. Moliyaviy hisob. Darslik. –Т.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2022, 510 b.
8. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4823](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823)
9. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
10. Pardayevich, K. B. (2023). Analysis of the Maximum Volume of Production in Cement Production Enterprises in Uzbekistan. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 5(6), 1-8. Retrieved from <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFS/Article/view/4460>
11. Қличев Баҳтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/2718>
12. Қличев Баҳтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research

Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from  
<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>

13. Qlichev Baxtiyor Pardayevich. (2023). Xo‘jalik yurituvchi subyektlarda ishlab chiqarishning maksimal hajmi tahlili. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 5 (2023), 187–192.

14. Чориев, И. (2020). Вопросы использования аналитических процедур на начальном этапе аудита. Экономика И Образование, 1(3), 107–111. извлечено от [https://inlibrary.uz/index.php/economy\\_education/article/view/4405](https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4405)

15. Абдуллаева Севара Солижановна. КАЧЕСТВЕННЫЕ ВЕТЕРИНАРНЫЕ УСЛУГИ – ЗАЛОГ УЛУЧШЕНИЯ ПОРОДЫ СКОТА // Life Sciences and Agriculture. 2023. №1 (13).  
<https://cyberleninka.ru/article/n/kachestvennye-veterinarnye-uslugi-zalog-uluchsheniya-porody-skota>

16. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма.-Т.: Иқтисод-Молия, 2015. 392 б.

17. Fayziev Farrukh Abdullaevaich. (2022). PROSPECTS OF THE APPLICATION OF THE ISLAMIC FINANCIAL SYSTEM IN THE ACTIVITY OF UZBEKISTAN BANKS. World Economics and Finance Bulletin, 15, 122-127. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wefb/article/view/1516>

18. Abdullayev Abror Bozarboyevich. (2022). IMPROVING INCOME TAX ANALYSIS METHODOLOGY IN BUSINESS ENTITIES. International Journal of Economic Perspectives, 16(10), 61–67. Retrieved from <https://ijeponline.com/index.php/journal/article/view/61>

19. Абдуллаева Севара Солижановна. (2023). “MILKSERVICE” – СУТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ҲАМКОРИ . World Scientific Research Journal, 16 (1), 178–186. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2716>

20. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллетень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>

21. Djamatov, K. N., & Abdullaev, A. B. (2021). Creation of a triad of effective measures in the company's tax risk management system. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 11(11), 74-79.

22. Abdullaev PhD, A., & Ochilov, O. (2021). Accounting and analysis of investments under active investment policy: necessity, purpose and objectives. International Finance and Accounting, 2021(2), 29.

23. Doni Tri Putra Yanto, Ravil Akhmadeev, Hassan Salman Hamad, Ahmed Hussien Radie Alawadi, Abror Bozarboyevich Abdullayev, Rosario Mireya Romero-Parra, Hadi Fooladi, Development and investigation of a pollutants emission reduction process from a coal-gasification power plant integrated with fuel cell and solar energy,

International Journal of Low-Carbon Technologies, Volume 18, 2023, Pages 1120–1133, <https://doi.org/10.1093/ijlct/ctad093>

24. Чориев, И. Х. (2017). ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЛАТЕЖНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 175-177).

25. Абдуллаев, А. Б. (2017). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГОВ И ОБЯЗАТЕЛЬНЫХ ПЛАТЕЖЕЙ СУБЪЕКТОВ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. In НАУЧНЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ И ОТКРЫТИЯ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЁЖИ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ И ИННОВАЦИИ (pp. 181-183).

26. Рахимов, М., & Астанакулов, О. (2020). Бизнес-анализ: к новой карьере и новым возможностям. Экономика и инновационные технологии, (5), 220–229. Извлечено от

[https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/11795](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11795)